

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИНИНГ  
ҚАРОРИ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ САЙЛОВИГА  
ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИШ ВА УНИ ЎТКАЗИШ ЮЗАСИДАН АЙРИМ  
ОКРУГ САЙЛОВ КОМИССИЯЛАРИ РАИСЛАРИНИНГ АХБОРОТЛАРИ  
ТЎҒРИСИДА**

“Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 14-моддаси, “Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 5-моддаси ва Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича асосий тадбирлар Дастурига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси

**Қ А Р О Р   Қ И Л А Д И:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш юзасидан 1-Қорақалпоғистон округ сайлов комиссияси (У. Жалменов), 8-Сирдарё округ сайлов комиссияси (С. Қудратов) ҳамда 14-Тошкент шаҳар округ сайлов комиссияси (А. Юнусходжаев) раисларининг ахборотлари маълумот учун қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи округ сайлов комиссиялари:

Ўзбекистон “Маҳалла” хайрия жамоат фонди, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши, “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий Кенгаши билан биргаликда участка сайлов комиссияларининг шахсий таркибини шакллантириш бўйича ишларни изчиллик билан давом эттирсинлар;

участка сайлов комиссияларининг алоқа воситалари билан таъминланиши, шу жумладан интернет тармоғига уланишини таъминлаш юзасидан ишларни Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг ҳудудий бошқармалари билан ҳамкорликда амалга оширсинлар;

жойлардаги тегишли мутасадди ташкилотлар вакилларининг сайловга тайёргарлик кўриш ҳамда уни ўтказиш билан боғлиқ масалалар юзасидан ахборотларини эшитсинлар;

ҳар бир сайлов округи ҳудудида ташкил этилган намунавий сайлов участкалари асосида барча сайлов участкаларини имкон қадар намунавий сайлов

участкаси даражасига етказиш бўйича амалга оширилган ишлар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясига жорий йил 18 октябрда ахборот берсинлар;

сайлов участкаларини ташкил қилишда овоз бериш кабиналаридан бири имконияти чекланган сайловчилар учун мўлжалланганлигига алоҳида эътибор қаратсинлар.

3. Ушбу қарор Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг расмий веб-сайтида, шунингдек бошқа манбаларда эълон қилинсин.

4. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси котиби С. Курбанқулов зиммасига юклансин.

**Марказий сайлов комиссияси**  
**Раиси**

**М. АБДУСАЛОМОВ**

*Тошкент шаҳри,  
2016 йил 13 октябрь,  
№ 756.*